

СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЯРАТИШНИ РАВБАТЛАНТИРИШ

Абдуллаева Севара Солижановна

Тошкент давлат аграр университети доценти

bekandijon070@gmail.com

Аннотация: Аграр соҳада бозор муносабатлари, механизм ва тамойилларини кенг жорий этиш қишлоқ хўжалиги субъектларида етиштирилган маҳсулотларни кооперативлар ва хусусий корхоналар, шунингдек, яқка тартибда савдо-сотиқ фаолияти олиб борувчи шахслар томонидан харид қилишни амалга ошириш имконини беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш каналларини ривожлантириш ва хизмат турларини кенгайтириш деҳқон хўжаликларини истиқболда барқарор ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш билан билан бирга улар фаолиятида қўшилган қийматни, демак, даромадни, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаларини кўпайтиради.

Қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Қиймат занжири даромадни ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва таъминот тизимини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Қиймат занжирини тўғри ва самарали бошқариш иштирокчилар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради, харажатларни камайтириб, даромадлар ошишига хизмат қилади. Пировардида эса маҳсулотларнинг истеъмолчиларга тез ва сифатли етиб боришини таъминлайди. Бу билан нобудгарчилик камайтирилади, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади, рақобатбардошлик ҳамда даромадлар ўсишига эришилади.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, деҳқон хўжалиги, сут маҳсулотлари, самарадорлик, ишлаб чиқариш, қўшилган қиймат занжири

Кириш. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини ва аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор ривожланишга эришишда қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёс. Мазкур соҳада тадбиркорлик субъектлари бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ташкил этиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқда чинакам мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ аҳолиси даромадларини янада ошириш имконини беради. Шу боис, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат

бошқаруви тизимини такомиллаштирилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишда деҳқон хўжаликларининг алоҳида ҳиссаси мавжуд. Бу энг аввало, уларнинг аҳолини бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш каби ижтимоий масалаларда кўшаётган ҳиссасининг ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

Деҳқон хўжаликларида чорвачилик тармоғига хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш, сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимига инвестицияларни жалб этиш, тармоқда кўшилган қиймат яратиш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ўрганилган.

Жумладан, Р.Х.Эргашев ва З.С.Шохўжаевалар тадқиқотларига кўра “Деҳқон хўжалиги миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришда ресурслардан тежамли фойдаланадиган хўжалик шакли сифатида характерланади. Бу эса оиланинг пул харажатларини камайтиради ва бу билан оила бюджети мустаҳкамланади. Деҳқон хўжалиги миллий иқтисодиётнинг оддий бўғини сифатида асосан моддий ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан ташкил топган бўлиб, бугунги кунда ишлаб чиқариш фаолияти, норасмий хўжалик позициясига асосан уй хўжалигида жамланган”.

Б.Т.Салимов, Б.Б.Беркиновлар тадқиқотларида “Деҳқон хўжалигининг асосий вазифаси – қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат. Шунингдек, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиш, ўзи жойлашган ҳудуднинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда иштирок этиш каби бир қатор вазифаларни ечишда ҳам деҳқон хўжаликлари ўз ҳиссаларини кўшишлари лозим”лиги таъкидланади.

Иқтисодчи олим У.М.Кўччиев ўз илмий изланишларида чорвачилик хўжаликларида хизмат кўрсатиш субъектларини ривожлантириш жараёнида ҳудудларда хизматларга бозор талабини, фермер хўжаликларида парваришланаётган чорва моллари бош сони учун белгиланган зоотехник, ветеринарларга талабни эътиборга олиш, ҳудудларнинг чорвачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ табиий-иқлим шарт-шароитлари, ем-хашак етиштириш имконияти, чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни берган.

Деҳқон хўжаликларида кўшилган қиймат яратиш ва уни оширишни рағбатлантириш механизмларидан самарали фойдаланиш масалалари Ш.Ю.Азизов томонидан тадқиқ этилиб, илмий аҳамиятга эга тавсиялар берилган.

Тадқиқот методологияси сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштириш, жумладан чорвачилик тармоғини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида белгиланган тадбирлар, илмий асарларда илгари сурилган ғоялар, лойиҳа мавзуси бўйича илмий тадқиқот изланишларини олиб бораётган хорижий ва республикамизнинг йирик аграр иқтисодчи олимларининг илмий қарашлари хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Қиймат занжири даромадни ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва таъминот тизимини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу масалага бўлган жиддий эътибор натижаси ўларок, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 февралдаги “Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2795-сонли қарори асосида Қишлоқ хўжалиги тараққиёти халқаро жамғармаси томонидан 23,9 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунгача лойиҳа ҳисобидан 16,7 миллион доллар ўзлаштирилди. Натижада 432 та сублойиҳа амалга оширилиб, 4 минг 342 минг бош насли йирик шохли қорамол, 17 та сублойиҳа асосида кунига 6 тонна сутни қайта ишлаш ва соатига 1 тонна ем-хашак ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар, 92 та қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди, 4 минг 300 дан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

Осиё тараққиёт банкининг “Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида чорвачилик тармоқларини молиялаштириш учун 146 миллион доллар ҳамда соҳани қўллаб-қувватлаш хизмати ва лойиҳани бошқариш ишларига 4 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Лойиҳа ҳисобидан бугунги кунга қадар 112,9 миллион доллар ўзлаштирилиб, 988 та лойиҳа бажарилди.

Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида 100 миллион евро имтиёзли кредит ҳамда Европа Иттифоқининг 11,5 миллион евро грант маблағлари жалб қилинди. Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида олиб борилган музокаралар давомида қўшимча молиялаштириш учун 300 миллион доллар миқдоридаги маблағ ажратилди.

Эришилган натижалар билан бирга деҳқон хўжаликлари шароитида қўшилган қиймат занжирини яратиш борасида учрайдиган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, мазкур қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган сутни қайта ишлаш ва сақлаш тизимидаги техник ва технологик,

ташкилий ва иқтисодий номуносивликлар кўшилган қийматни кўпайтириш, экспорт географияси ва маҳсулот турларининг диверсификация қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

деҳқон хўжаликларидида маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш имкониятлари чекланганлиги катта йўқотишларга олиб келмоқда. Кичик хажмли мазкур хўжаликларни бирлаштиришнинг самарали механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг фаолияти тарқоқлигича қолмоқда. Шунингдек, нархларнинг мавсумий кескин ўзгариши ва бозор шароитларининг барқарор эмаслиги ҳам улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ҳолат, биринчидан, уларда кўшилган қиймат яратиш имкониятларини чеклаб қўймоқда, иккинчидан эса, бугунги кунда юқоридаги жараёнларда шаклланаётган кўшилган қиймат массасида деҳқон хўжаликлари маҳсулотларига тегишли улушни аниқлаш муаммоси ҳам юзага келтирмоқда.

Деҳқон фаолиятини истиқболда янада ривожлантириш, кўшилган қиймат занжиридаги ўрни, улушини баҳолаш ва даромадларини кўпайтириш борасидаги тадқиқотлар олиб бориш мақсадида Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган деҳқон хўжаликлари фаолияти ҳам монографик, ҳам хронометраж ўтказиш йўли билан таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал.

Жиззах вилояти Пахтакор туманида монографик тадқиқотлар ўтказилган деҳқон хўжаликларининг 2021 йилда маҳсулот сотиш билан боғлиқ фаолияти натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичлари	
		Сувонобод МФЙ	Яккақишлоқ МФЙ
1.	Деҳқон хўжалиги манзили	Сувонобод МФЙ	Яккақишлоқ МФЙ
2.	Деҳқон хўжалиги бошлиғи	Мирзаев И.	Назаров Н.
3.	Ёши	58	36
4.	Маълумоти	олий	ўрта
5.	Ташкил этилган йили	2011	2015
6.	Ер участкаси, га	0,5	0,43
7.	Аъзолар сони, киши	4	3
8.	Ёлланма ишчилар, киши	1	1
9.	Қорамоллар сони, бош	10	8
	Ш.ж. соғин сигирлар сони, бош	7	6
10.	Жами ишлаб чиқилган сут, кг	18 900	16 800
11.	Жами харажатлар, минг сўм:	15 650 000	13 600 000
	ш.ж.зооветеринария хизмати	450 000	300 000
	иш ҳақи (чўпон)	6 000 000	4 800 000

	озуқа ем харажатлари	7 200 000	6 300 000
	Бошқа харажатлар (молхона ремонти емишхоналарни тайёрлаш каби)	2 000 000	2 200 000
12.	Сотилган сут миқдори, л	9000	8000
	1 л маҳсулот нархи, сўм	5000	5000
	олинган даромад, минг сўм	45 000 000	40 000 000
13.	Сотилган қатиқ миқдори, л	4500	4000
	1 л қатиқ нархи, сўм	6000	6000
	олинган даромад, минг сўм	27 000 000	24 000 000
14.	Сотилган сузма миқдори, кг	2160	1920
	1 кг сузма нархи, сўм	15000	15000
	олинган даромад, минг сўм	32 400 000	28 800 000
15.	Жами даромад, минг сўм	104 400 000	92 800 000
16.	Қўшилган қиймат, минг сўм	9 900 000	8 800 000
17.	Хўжалик фойдаси, минг сўм	88 750 000	68 400 000

Пахтакор туманидаги Сувонобод МФЙ истиқомат қилувчи сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган И. Мирзаев бошчилигидаги деҳқон хўжалигида 0,5 га суғориладиган ер ва 10 та қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг 7 таси соғин сигирлар. Улардан бир кун (сутка)да 60 литр сут соғиб олиниб, ундан истеъмол учун тайёр турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, хўжалик 60 литр сутни асосан қуйидаги тартиб ва нисбатларда (улар мавсум ва истеъмолчилар талабига мувофиқ ўзгариши ҳам мумкин) белгиланган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда истемолчиларга таклиф қилинади. Жумладан, 60 литр сутнинг 30 литри (50 %) соф ҳолда литри 5000 сўмдан, 10 кг сузма 1 кг.ми 15000 сўмдан, 10 литр қатиқ 1 литри 6000 сўмга тўғри келар экан. Шунингдек, маълум кунларда буюртмага асосан қаймоқ ва сариёғ ҳам тайёрланиб, уларнинг 1 кг.ми мос равишда 25000 ва 50000 сўмдан асосан ўз уйида ёки айрим кунларда туман марказидаги деҳқон бозорида сотилар экан (2-жадвал).

2-жадвал.

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Сувонобод МФЙ деҳқон хўжалигида 2022 йилда ишлаб чиқарилган сут маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ фаолият натижалари

Сут маҳсулотлари	Миқдори	Нархи, л/сўм	Қиймати, сўм	Қўшилган қиймат, сум
сут	10 л	5000	50000	-
қаймоқ	0,9 л	25000	22500	22 500
сарёғ	0,3 л	60000	18000	18 000

Сузма (ёғи олинган)	4 кг	15000	60000	60 000
курут	2,5 кг	40000	100000	100 000
Жами	х	х	х	200 500

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, 4 литр сутдан 1 кг қаймоқ ёки 10 кг қаймоқдан 6 кг сариеғ олиш мумкин. Агар шу меъёрларга асосланадиган бўлсак, масалан, 4 литр сут 5000 сўмдан 20,0 минг сўм даромад келтирса, 4 литр сутдан 1 кг қаймоқ олиб уни 25,0 минг сўмдан сотганда 5,0 минг сўмлик қўшимча қиймат яратилар эди. Шунингдек, 10 кг қаймоқни 25,0 минг сўмдан сотиб 250 минг сўм ўрнига 10,0 кг қаймоқдан олинган 6 кг сариеғни 50,0 минг сўмдан сотиб 300 минг сўм даромад ва 50,0 минг сўм миқдорда қўшилган қиймат яратиш имкониятига эга бўлар эди.


Тадқиқот жараёнида, яна Пахтакор туманидаги Яккақишлоқ МФЙ истиқомат қилувчи сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Н.Назаров бошчилигидаги деҳқон хўжалигининг бир кунлик фаолияти ҳам ўрганилди. Хўжаликда 0,43 га суғориладиган ер ва 8 та қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг 6 таси соғин сигирлар. Улардан бир кун (сутка)да 48 литр сут соғиб олиниб, ундан истеъмол учун тайёр турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, хўжалик 48 литр сутни асосан қуйидаги тартиб ва нисбатларда (улар мавсум ва истеъмолчилар талабига мувофиқ ўзгариши ҳам мумкин) белгиланган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда истеъмолчиларга таклиф қилинади. Жумладан, 48 литр сутнинг 25 литри (52 %) соф ҳолда литри 5000 сўмдан, 5 кг сузма 1 кг.ми 15000 сўмдан, 8 литр қатиқ 1 литри 6000 сўмга тўғри келар экан. Шунингдек, маълум кунларда курут ва сариеғ ҳам тайёрланиб, уларнинг 1 кг.ми мос равишда 40000 ва 50000 сўмдан асосан ўз уйида ёки айрим кунларда туман марказидаги деҳқон бозорида сотилар экан.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, масалан, 2,5 литр сутдан 1 кг сузма ёки 4 кг сузмадан 3 кг курут қилиш мумкин. Агар шу меъёрларга асосланадиган бўлсак, масалан, 10 литр сут 5000 сўмдан 50,0 минг сўм даромад келтирса, 10 литр сутдан 4 кг сузма олиб уни 15,0 минг сўмдан сотганда 60 минг сўмлик қўшимча қиймат яратилар эди. Шунингдек, 4 кг сузмани 15,0 минг сўмдан сотиб 60 минг сўм ўрнига 4,0 кг сузмадан олинган 2,5 кг курутни 40,0 минг сўмдан сотиб 100 минг сўм даромад ва 40,0 минг сўм миқдорда қўшилган қиймат яратиш имкониятига эга бўлар эди (1-расм).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, деҳқон хўжаликлари доирасида соғиб олинган сут маҳсулотларининг сифатини аниқлаш имконини берувчи яъни, сутнинг кислоталик даражаси, зичлиги, сут таркибидаги оқсил миқдори, ёғлилик даражаси, лактоза, қуруқ моддалар, казеин, сут кислоталари, мочевина каби моддалар миқдорини тез ва осон аниқловчи ихчам техник ускуналардан

фойдаланиш имконияти ўта чекланган.



-расм. Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Сувонобод МФЙ деҳқон хўжалигида 2022 йилда ишлаб чиқарилган сут маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ фаолият натижалари

Кичик ҳажмли деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларининг ҳудудий бозорлар ёки бошқа истеъмол каналлари орқали доимий равишда кам миқдорда кунлик сотилиши уларга нисбатан шаклланидиган нарх-наволар даражасига катта таъсир этмайди, айнан шу ҳолат мазкур хўжалик субъектларида қўшилган қиймат яратишга салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, уларда етиштирилган маҳсулотларга бирламчи қайта ишлов берилган ҳолда сотилишига мос равишда қўшилган қиймат массасини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш муҳим услубий-амалий аҳамият касб этади.

Хулоса. Қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Қиймат занжири даромадни ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва таъминот тизимини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати занжирнинг ҳар бир босқичида ортиб боради. Қиймат занжирини тўғри ва самарали бошқариш иштирокчилар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради, харажатларни камайтириб, даромадлар

ошишига хизмат қилади. Пировардида эса маҳсулотларнинг истеъмолчиларга тез ва сифатли етиб боришини таъминлайди. Бу билан нобудгарчилик камаяди, озик-овқат хавфсизлиги таъминланади, рақобатбардошлик ҳамда даромадлар ўсишига эришилади.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар (Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада) бозорларида кооперативларнинг улуши 40 фоиздан ошади, Ўзбекистонда эса бу йўналиш эндигина ривожланмоқда. Озик-овқат ишлаб чиқариш саноатининг паст даражада ривожланганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини чекламоқда. Инфратузилмани ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш мақсадида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилармонлик муҳити, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш-сотиш занжирларини ривожлантиришга қаратилган чораларни кўриш талаб этилади. Зеро, ишлаб чиқариш жараёнида олинadиган якуний самаранинг асосий манбаларидан бири қўшилган қиймат эканлиги ва у деҳқон хўжаликларининг бошқа тегишли субъектлар билан ҳамкорликдаги муносабатларида муҳим рол ўйнашини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фикримизча, деҳқон хўжаликларининг самарали фаолият юритишларини таъминлаш учун ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш ва шу билан бирга, улар фаолиятини бозордаги талаб ва таклиф ўзгаришига мос ҳолда ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида ҳали ишга солинмаган катта заҳиралар мавжуд. Шу боисдан ҳам, бозор шароитида деҳқон хўжаликлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида уларни истиқболда янада ривожлантириш, қўшилган қиймат занжиридаги ўрни, улушини баҳолаш ва даромадларини кўпайтириш чора-тадбирларини илмий-услубий жиҳатдан ҳал этишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . World Scientific Research Journal, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>
2. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
3. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>
4. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт,

молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>

5. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

6. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaа uyi”, 2022, 510 b.

7. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823

8. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

9. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405

10. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

11. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>

12. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>

13. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>

14. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).

15. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific

Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

16. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229. Извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795

17. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

18. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

19. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.

20. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. International Finance and Accounting, 2021(2), 29.

21. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).

22. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(11), 74-79.

23. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>

24. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>